

6-1-2019

Improving the practice of overdraft lending in commercial banks of the country

I.F Sayfidinov

Tashkent Financial Institute Uzbekistan, 100000, Tashkent, A.Temur Street, 60A, sayfidinovif@gmail.com

A Sheraliev

Tashkent Financial Institute Uzbekistan, 100000, Tashkent, A.Temur Street, 60A

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Sayfidinov, I.F and Sheraliev, A (2019) "Improving the practice of overdraft lending in commercial banks of the country," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2019 : No. 6 , Article 4.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss6/4>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ОВЕРДРАФТ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Илхом Сайфидинов
Тошкент молия институти доценти, и.ф.н.
E-mail: sayfidinovif@gmail.com

Аббос Шералиев
Тошкент молия институти магистранти
E-mail: sheraliyevabbos89@gmail.com

Аннотация: Мақолада тижорат банкларининг овердрафт кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: тижорат банки, кредит, овердрафт, фоиз ставкаси, мақсадли кетма-кетлик, жорий ҳисобрақам, дебетли қолдиқ, кредит риски, кредитлаш лимити, тўловга қобиллик.

Abstract: The article identifies problems associated with improving the practice of overdraft lending to commercial banks and develops scientific proposals aimed at solving these problems.

Key words: commercial bank, credit, overdraft, interest rate, target order, current account, debit balance, credit risk, credit limit, solvency.

Кириш

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида истиқболли инвестиция лойиҳаларини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини банклар томонидан кредитлашни кенгайтириш мамлакат банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш, жумладан, янги инновацион кредитлаш шакллари амалиётга жорий этиш заруриятини юзага келтиради. Шу жиҳатдан олганда, инновацион кредит маҳсулоти бўлган овердрафт кредитларидан фойдаланиш амалиётини илмий асосда тадқиқ қилиш даврнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги даврда республика тижорат банкларининг овердрафт кредитлаш амалиёти такомиллашмаган. Хусусан, банклар томонидан юридик шахсларни овердрафт шаклида кредитлаш мавжуд эмас.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Д.Игнатъеванинг фикрига кўра, овердрафт кредитлаш амалиётидаги асосий масалалардан бири бўлиб, кредитлаш лимитини тўғри белгилаш ҳисобланади ва ушбу лимит мижознинг банкдаги жорий ҳисобрақамига келиб тушадиган ўртача ойлик соф пул маблағларига нисбатан ўрнатилиши керак [2]. Бу ерда Д.Игнатъева соф пул маблағлари тушуми деганда мижознинг жорий ҳисобрақамига сўнги 3 ой мобайнида

келиб тушган сумманинг қуйидагилар чегириб ташлангандан сўнг қолган қисмини назарда тутати:

- банклардан олинган кредитлар суммаси;
- банклардан қайтариб олинган депозитлар суммаси;
- конверсион операциялардан олинган тушумлар суммаси;
- қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағлари.

О.Лаврушиннинг хулосасига кўра, овердрафт кредитлашнинг шундай шаклики, у тўлов хусусиятига эга бўлиб, кредит тўловига лаёқатлиликнинг биринчи синфига мансуб бўлган мижозларнинг қисқа муддатли эҳтиёжларини қондириш учун берилади [3].

Бу ерда О.Лаврушин овердрафт кредитини юқори рискли эканлиги туфайли тўлов қобилияти юқори бўлган мижозларга берилишини назарда тутмоқда.

Ж.Синкининг фикрига кўра, кичик корхоналар фаолиятининг ўзлуксизлигини таъминлашда овердрафт кредити муҳим ўрин тутати [4].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Т.Бобакуловнинг фикрига кўра, тижорат банкларининг овердрафт ва контокоррент каби инновацион кредит маҳсулотларини жорий қилиш ва ривожлантириш мақсадида давлат солиқ органлари томонидан солиқ тўловларини солиштириш далолатномасисиз ва аванс тариқасида ундириш тартибини бекор қилиш лозим. Чунки, тўловларнинг мақсадли кетма-кетлиги қўлланилаётган шароитда давлат солиқ хизматида солиштириш далолатномасисиз инкассо қўйиш ва солиқ тўловларини аванс тариқасида ундириш ҳуқуқининг берилганлиги тижорат банклари томонидан овердрафт ва контокоррент кредитлари бериш имкониятини деярли йўққа чиқармоқда [5].

А.Исмаиловнинг хулосасига кўра, дебетли пластик карталар эгаларини овердрафт бўйича кредитлашни жорий қилиш ва ривожлантириш орқали пластик карталар билан амалга ошириладиган тўловлар ҳажмини ошириш лозим [6].

А. Исмаиловнинг ушбу хулосаси ҳозирги даврда ҳам амалий аҳамиятга эга. Чунки, овердрафт кредитлари дебетли пластик карталар эгаларининг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот методологиясини тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш, жумладан, янги инновацион кредитлаш шаклларини амалиётга жорий этиш назарияси бўйича мамлакатимиз ҳамда хорижий олимларнинг олиб борган илмий ишлари натижалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг банк хизматлари оммабоплигини оширишга оид фармон ва қарорлари ташкил этади. Шу билан бирга, илғор хориж тажрибасига таянган ҳолда, овердрафт кредитлашнинг фойдали жиҳатларини амалиётга киритишда катта туртки бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан ушбу тадқиқотнинг методологик жиҳати мамлакатимизда инновацион кредит маҳсулоти бўлган овердрафт кредитларидан фойдаланиш амалиётини ривожлантириш ғояларини амалиётга жорий этиш йўлларини асослашдан иборат.

Таҳлиллар ва натижалар

Маълумки, тижорат банкларининг овердрафт кредитлари мижозларнинг жорий ҳисобрақамларининг дебетли қолдиғи суммасига берилади ва шу жиҳатдан олганда, мижозлар ишлаб чиқариш фаолиятининг ўзлуксизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Овердрафт кредитида ссуда ҳисобрақами очилмайди, балки компьютер дастурининг ўзи берилган кредитни автоматик равишда, мижозлар кесимида ҳисобга олади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг "Жисмоний шахсларга банк пластик карточкаси орқали овердрафт кредити бериш тўғрисида"ги йўриқномаси (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2900) тижорат банкларининг овердрафт кредитлаш амалиёти учун ҳуқуқий асос ҳисобланади. Мазкур йўриқномага мувофиқ, овердрафт жисмоний шахснинг (мижознинг) даромадлари тўғрисидаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда ўртача ойлик иш ҳақининг (пенсиянинг) 3 баробаригача бўлган миқдорда 12 ойгача бўлган муддатга қайта тикланадиган (револьвер) шаклда, овердрафт шартномасига мувофиқ босқичма-босқич қайтариш шарти билан берилади [7].

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари 2017 йилнинг охиридан бошлаб жисмоний шахсларга овердрафт кредитлари бера бошлади. Овердрафт кредитлари дастлаб тижорат банклари ходимларига уч ойдан кам бўлмаган даврга берилди. Кейинчалик тижорат банклари томонидан мижозларга овердрафт кредитлари таклиф қилинди.

Ҳозирги кунда тижорат банклари мижозларга банкка келмасдан туриб, мобил илова орқали овердрафт кредитлари олиш имконини яратишди. Ушбу амалиёт илк бор ЎзСаноатқурилишбанк томонидан жорий қилинди.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали ЎзСаноатқурилишбанкнинг овердрафт кредитлаш амалиётига баҳо берамиз.

1-жадвал

ЎзСаноатқурилишбанкнинг овердрафт кредитлари бериш амалиёти [8]

Кўрсаткичлар	01.01. 2019й.	01.10. 2019й.
Овердрафт кредитлари суммаси, млн. сўм	66 076	123 866
Овердрафт кредитларининг кредит портфелидаги улуши, %	1,0	0,2

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадик, ЎзСаноатқурилишбанкнинг кредит портфелида овердрафт кредитлари жуда кичик салмоқни эгаллайди. Бу эса, унинг овердрафт кредитлари бериш амалиётини такомиллашмаганлигидан далолат беради.

1-жадвал маълумотларидан овердрафт кредитлари миқдорини юқори суръатларда ўсаётганлигини кўриш мумкин. 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, Саноатқурилиш банк томонидан берилган овердрафт кредитлари миқдори 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 87,5 фоизга ўсди. Бу эса, сезиларли даражадаги ўсиш суръати ҳисобланади.

Эътироф этиш жоизки, овердрафт кредитлари таъминланмаган кредитлар бўлганлиги сабабли юқори riskли ҳисобланади. Ўз навбатида, овердрафт кредитларининг таъминланмаган кредитлар эканлиги қуйидаги икки сабаб билан изоҳланади:

– мижознинг жорий ҳисобрақамида қачон дебетли қолдиқ юзага келишини олдиндан аниқ айтиш қийин;

– мижознинг жорий ҳисобрақамида қанча суммага дебетли қолдиқ юзага келишини олдиндан билиб бўлмайди.

Кредит учун таъминот қабул қилиш учун кредитнинг суммаси аниқ бўлиши керак.


Республикамиз банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни овердрафт кредитлари бериш мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси амалиётига илк жорий этилган пластик карталар дебетли карталар ҳисобланади. Шу сабабли, республика банкларининг овердрафт кредитлари бериш имконияти етарли даражада катта. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси банк амалиётига кредитли пластик карталарни жорий этиш кўзда тутилган. Бу эса, банкларнинг жисмоний шахсларга овердрафт кредитлари бериш имкониятини пасайтиради. Бунинг сабаби шундаки, кредитли пластик карталарида карта эгасига жорий ҳисобрақам очилмайди, балки кредитлаш лимити ўрнатилади.

Шунинг учун ҳам халқаро амалиётда тижорат банкларининг овердрафт кредитлари тўловга қобиллик даражаси юқори бўлган мижозларга берилади. Одатда, овердрафт кредитлари пул оқимининг барқарорлиги бўйича кредит тўловига лаёқатлилик даражаси юқори бўлган мижозларга берилади.

Фикримизча, аҳолининг даромад даражасининг паст эканлиги, хўжалик юритувчи субъектларнинг пул оқимини нисбатан заиф эканлиги, тўловларнинг мақсадли кетмакетлиги қўлланилаётган ҳозирги шароитда давлат солиқ инспекцияларига солиштириш далолатномасисиз инкассо қўйиш ҳуқуқининг берилганлиги тижорат банкларининг овердрафт кредитлари бериш амалиётини такомллаштиришга тўсқинлик қилмоқда.

Ўз навбатида, инфляция даражасининг нисбатан юқори эканлиги аҳолининг даромад даражасини оширишга тўсқинлик қилаётган бўлса, мамлакат иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги хўжалик юритувчи субъектларнинг пул оқимининг барқарорлигини оширишга тўсқинлик қилмоқда.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида инфляциянинг йиллик даражаси ва иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлиги [9]

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2016-2018 йилларда республикамизда инфляция даражаси юқори бўлган. Бу эса, аҳолининг даромад даражасини оширишга тўсқинлик қилади.

Шунингдек, 2016-2018 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси паст бўлган. Бунинг устига, мазкур давр мобайнида иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, иқтисодиётдаги тўловсизлик муаммосини ҳал қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг пул оқимининг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Иқтисодиётда тўловсизлик муаммосини ҳал этмаслик хўжалик юритувчи субъектларнинг пул оқими барқарорлигини таъминлаш имконини бермайди. Бу эса, овердрафт кредитларининг риск даражасини пасайтириш имконини бермайди.

Хулоса ва таклифлар

Таҳлил қилинган давр мобайнида ЎзСаноатқурилишбанкнинг кредит портфелида овердрафт кредитларини жуда кичик салмоқни эгаллаганлиги унинг овердрафт кредитлари бериш амалиётини такомиллашмаганлигидан далолат беради.

Таҳлил қилинган давр мобайнида (2019 йил 1 январдан 1 октябргача) Саноатқурилиш банк томонидан берилган овердрафт кредитлари миқдорининг сезиларли даражада ўсиш кузатилди.

2016-2018 йилларда республикамизда инфляция даражасини юқори бўлганлиги, иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини паст бўлганлиги аҳолининг даромад даражасини ошириш, иқтисодиётдаги тўловсизлик муаммосини ҳал қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг пул оқимининг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг овердрафт кредитлаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. Илғор хориж тажрибасига таянган ҳолда, овердрафт кредитлари бўйича лимитни мижознинг жорий ҳисобрақамига сўнги 3 ой мобайнида келиб тушган пул маблағларининг соф оқими миқдорининг 30 фоизгача миқдорда, лекин шу 3 ой мобайнидаги ҳар ойлик минимал тушумнинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгилаш лозим.

2. Овердрафт кредитидан фойдаланувчи мижозларга нисбатан қуйидаги аниқ мезонлар белгиланиши керак:

- банк хизматидан фойдаланаётганига камида 3 ой бўлган бўлиши керак;
- фаолиятини бошлаганига камида бир йил бўлган бўлиши;
- сўнги 3 ой мобайнида жорий ҳисобрақамга пул маблағлари тушиши сони, яъни кредитли оборотлар сони камида 15 та бўлиши;
- мижознинг жорий ҳисоборақами бўйича ўзилиш 3 иш кунидан ошмаслиги;
- кредиторлар олдида муддати ўтган мажбуриятларни бўлмаслиги;
- ҳар ойнинг сўнги иш кунида жорий ҳисобрақамнинг кредитли қолдиққа эга бўлишини таъминлаши.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.
2. Игнатъева Д.А. Овердрафт в практике российских банков//Финансы и кредит. – Москва, 2002. – №№23. – С. 30.
3. Лаврушин О.И. Кредитование по овердрафту. Банковское дело. Учебнк. Под ред. проф. О.Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 417.
4. Синк Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2018. – С. 591.
5. Банклар фаолиятини инновациялар асосида ривожлантиришнинг долзарб масалалари Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантиришнинг илмий асослари ва тенденциялари//Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2016. – Б.86-87.
6. Исмаилов А.А. Ўзбекистон Республикаси пул тизимини мустақамлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – Б.22.
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йўриқномаси. Жисмоний шахсларга банк пластик карточкаси орқали овердрафт кредити бериш тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 29-сон, 719-модда.
8. Азимова Ш.С. Ўзбекистон тижорат банкларини кредит фаолиятини инновацион ривожлантиришни таъминлаш йўллари.И.ф.б. ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 43.
9. Пул-кредит сиёсати. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)